Ушбу сонда:
2 КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ
3 "ОҚЧАКЎЛ" КАВКАЗДАН ҚОЛИШМАЙДИ
4 ШИФОКОР МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 12 февраль, шанба №24 (856)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИККИНЧИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз дўстлар!

Муҳтарам халқ депутатлари!

Сизларга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддаси ва «Вазирлар Маҳкамаси ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Конституциямизга асосан Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг янги таркиби Президент томонидан Олий Мажлис депутатлари тасдиғига қўйилади.

Ҳукуматнинг янги таркиби ҳақида гапирганда, мен бу масаланинг қуйидаги муҳим томонларига сизларнинг алоҳида эътиборингизни жалб қилмоқчиман.

Аввало, бугунги кунгача фаолият кўрсатган Вазирлар Маҳкамасининг сон жиҳатдан таркиби тўғрисида айтиб ўтиш жоиз.

Маълумки, олдинги таркибда ҳукумат аъзоларининг сони ўттиз етти нафардан иборат эди. Яъни, Бош вазир ва унинг муовинлари, ўн бешта вазир ва ўн битта давлат қўмитасининг раиси лавозимлари бор эди.

Конституциямизнинг 98-моддасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Бугун Олий Мажлис тасдиғига Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ўттиз тўрт лавозимдан иборат ҳолда таклиф қилинмоқда.

Учта лавозим, шу жумладан, Бош вазирнинг битта ўринбосари ва икки нафар давлат қўмитаси раиси лавозимлари қисқартирилмоқда.

Бош вазирнинг транспорт ва алоқа соҳалари бўйича муовини лавозими қисқартирилиб, унинг вазифалари Бош вазирнинг энергетика соҳасини бошқарадиган ўринбосари зиммасига юклатилмоқда. Давлат ўрмон қўмитаси билан Саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат қўмитаси ўрнига махсус агентлик ташкил қилиниши кўзда тутилмоқда.

Эътибор берган бўлсангиз, Бош вазирнинг янги таркибда қолаётган тўққиз ўринбосаридан тўрт нафарига на бевосита мана шу ишни, яъни, Бош вазир муовини вазифасини бажаради. Қолган бештасига эса улар бошқарадиган соҳаларнинг аҳамияти ва мавқеига қараб, уларнинг таъсирини кучайтириш мақсадида Бош вазир муовини лавозими қўшимча тарзда берилган.

Бугун сизнинг тасдиғингизга тавсия қилинаётган таркибда, шунингдек, Бош вазир ўринбосари - Макроиқтисодиёт ва статистика вазири вазифасини бажарувчи шахсга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари мақоми берилмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, тавсия этилаётган номзодлардан фақатгина икки нафари - Мираброр Усмонов ва Дилбар Ғуломова Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида тасдиқланган бўлиб, қолган Бош вазир ўринбосарлари эса бу лавозимларга кейин тайинланган.

Ўтган давр мобайнида ўзига юклатилган вазифаларни талаб даражасида бажаролмаган, ишда ўзини кўрсата олмаган бир қанча ҳукумат аъзолари бошқа ишга ўтказилди ёки лавозимидан озод этилди.

Ўз навбатида ҳозирги замонавий талабларга жавоб берадиган, янгиликка интиладиган, амалий ишлари билан кўзга кўринган ёш кадрлар раҳбарлик лавозимларига тайинланди ва бугунги кунда бу юксак ишончни оқлашга ўз иши, ўз фаолияти билан ҳаракат қилмоқда.

Бу ўзгаришларни Олий Мажлис депутатлари ўз ваколатига асосан тасдиқлаган ва бу ҳақда жамоатчилигимиз хабардор.

Бугун Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясига янгидан тасдиқланаётган номзодлар қаторида Бош вазир ўринбосарларидан - Сирдарё вилояти ҳокими вазифасини бажараётган Ўктам Исмоилов номзоди қўйилмоқда. Айни вақтда, у Бош вазир ўринбосари лавозими билан бирга Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раислигига тавсия этилмоқда.

Бу номзодни таърифлаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир. Нима деганда, уни кўпчилик депутатлар яқиндан танийди, деб ўйлайман. Бу киши олдин ҳам мамлакатимиз миқёсида кўп раҳбарлик вазифаларини, шу жумладан, Бош вазир ўринбосари вазифасини ҳам бажариб келган.

Энди вазирликлар ва давлат қўмиталарига тўхталиб ўтсак.

Вазирликлар ва давлат қўмиталари раҳбарлигига тавсия этилаётган номзодларнинг фақатгина беш нафари Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида, ўн тўрт нафари кейинги сессияларда тасдиқланган.

Қолган беш нафар номзод эса янгитдан сизнинг тасдиғингизга ҳавола этилмоқда.

Шундай қилиб, бугун сизнинг тасдиғингизга Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ва шу лавозимларга кўрсатилаётган номзодлар қўлингиздаги маълумотлар бўйича тавсия қилинмоқда.

Яъни:

1. Бош вазир лавозимига Султонов Ўткир Тўхтамуродович,

2. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари - Макроиқтисодиёт ва статистика вазири лавозимига Ҳамидов Бахтиёр Султонович,

3. Бош вазир ўринбосари - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимига Олимжонов Бахтиёр,

4. Бош вазир ўринбосари лавозимига Исаев Анатолий Нигматович,

5. Бош вазир ўринбосари - Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси лавозимига Исмоилов Ўктам Кўчқорович,

6. Бош вазир ўринбосари лавозимига Қаноатов Ҳамидулла Саъдуллаевич,

7. Бош вазир ўринбосари лавозимига Отаев Валерий Йўлдошевич,

8. Бош вазир ўринбосари лавозимига Усмонов Мираброр Зуфарович,

9. Бош вазир ўринбосари - Ўзбекистон автомобил йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акционерлик концерни бошқарувининг раиси лавозимига Юнусов Рустам Расулович,

10. Бош вазир ўринбосари - Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимига Ғуломова Дилбар Муҳаммадхоновна номзодлари тавсия этилмоқда.

Вазирлар ва Давлат қўмиталари раислари лавозимига эса:

11. Адлия вазири лавозимига Полвонзода Абдусамад Абдуҳамидович,

12. Ижтимоий таъминот вазири лавозимига Обидов Оқил,

13. Ички ишлар вазири лавозимига Алматов Зокиржон,

14. Коммунал хизмат кўрсатиш вазири лавозимига Муҳаммедов Ғофуржон Каримович,

15. Маданият ишлари вазири лавозимига Жўраев Хайрулла,

16. Меҳнат вазири лавозимига Иброҳимов Шавкат Ғуломович,

17. Молия вазири лавозимига Азимов Рустам Содиқович,

18. Олий ва ўрта махсус таълим вазири лавозимига Ғуломов Саидаҳрор Саидаҳмедович,

19. Соғлиқни сақлаш вазири лавозимига Назиров Феруз Ғофурович,

20. Ташқи ишлар вазири лавозимига Комилов Абдулазиз Ҳафизович,

21. Ташқи иқтисодий алоқалар вазири лавозимига Ғаниев Элёр Мажидович,

22. Фавқулодда вазиятлар вазири лавозимига Қосимов Баҳодир Эргашевич,

23. Халқ таълими вазири лавозимига Йўлдошев Жўра Ғаниевич,

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақида

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги таркибда тузилсин:

Султонов Ўткир Тўхтамуродович
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

Хамидов Бахтияр Султонович
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - Макроиқтисодиёт ва статистика вазири

Алимджанов Бахтияр
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири

Исаев Анатолий Нигматович
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Исмоилов Ўктам Кўчқорович
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси

Караматов Хамидулла Садуллаевич
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Отаев Валерий Йўлдошевич
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Усмонов Мираброр Зуфарович
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Юнусов Рустам Расулевич
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон автомобиль йўллари қуриш ва фойдаланиш давлат-акционерлик концерни бошқарувининг раиси

Ғуломова Дилбар Мухаммадхоновна
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси

Полвон-зода Абдусамат Абдуҳамидович
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

Абидов Акилжан
- Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири

Алматов Закиржон
- Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири

Муҳамедов Ғофиржон Каримович
- Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазири

Джураев Хайрулла
- Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири

Ибрагимов Шавкатбек Гуламович
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири

Азимов Рустам Содиқович
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазири

Гулямов Сайдахрар Саидахмедович
- Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Назыров Феруз Гофурович
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

Комилов Абдулазиз Ҳафизович
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

Ғаниев Элёр Мажидович
- Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазири

Касымов Бахадыр Эргашевич
- Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири

Йўлдошев Жўра Ғаниевич
- Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Шаисматов Эргаш Рахматуллаевич
- Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири

Ходжаев Баходыр Эргашевич
- Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси

Арипов Саид-Азим
- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси

Ахмедов Нурмухаммад
- Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг раиси

Курбонов Эргаш
- Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитасининг раиси

Маҳситов Баҳодир
- Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси

Шоғуломов Рустам Шомуродович
- Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси

Ходжаев Батыр Асадиллаевич
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси

Хабибуллаев Пулат
- Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасининг раиси

Тишаев Гофурджон Қодирович
- Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 февраль

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ИККИНЧИ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АХБОРОТ

11 февраль куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилиши очилди.

Парламент сессиясининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпусининг вакиллари, хорижий ва республика оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлди. Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Депутатлар сессиянинг ишчи органи - котибиятни тузидилар, кун тартибини тасдиқладилар.

Олий Мажлиснинг 22 январда бўлиб ўтган биринчи сессиясининг биринчи йиғилишида Президент Ислом Каримов қилган маъруза юзасидан парламент қарор қабул қилди.

Шундан кейин депутатлар парламент қўмиталари ва комиссияларини, уларнинг раисларини, шунингдек Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини сайлашга киришди.

Кун тартибидаги ана шу масалалар юзасидан Олий Мажлис Раиси Э.Халилов маъруза қилди. Қўмиталар ва комиссияларнинг раислари рўйхати, шунингдек Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилини (омбудсманни) сайлаш тўғрисидаги қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Депутатлар шундан кейин сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракцияларини ҳамда ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатлари блокларини рўйхатга олиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга киришди. Шу масала юзасидаи Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг биринчи котиби Т.Даминов, «Ватан тараққиёти» партияси марказий сиёсий кенгашининг раиси А.Турсунов, «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгашининг раиси И.Ғафуров, Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясининг бош котиби Э.Норбўтаев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий қўмитасининг котиби И.Кочмарик, ҳокимият вакиллик органлари депутатлари блоки раҳбари Қ.Обидов, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатлари блоки раҳбари А.Саидов сўзга чиқди.

Депутатлар Олий Мажлис Кенгашини тузди, Кенгаш таркибига Олий Мажлис Раиси ва унинг уч ўринбосари, парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари, депутатлар фракциялари ва блоклари раҳбарлари кирди.

(Давоми 2-бетда)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

11 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда вазирлик, қўмита, компания, концерн, идора ва ташкилотлар, банклар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили ислоҳотларнинг устувор йўналишлари бўйича белгиланган макроиқтисодий ва молиявий кўрсаткичлар асосан бажарилгани, иқтисодий ўсиш таъминланиб, молиявий аҳволни яхшилаш ва пул-кредит тизимини мустаҳкамлашга эришилганини таъкидлади. Жумладан, мўлжалланган кўрсаткичлар доирасида ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга ортди.

Ислом Каримов қайд этганидек, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги тўлов интизоми мустаҳкамланиб, корхоналарнинг молиявий аҳволи яхшиланди. Бунинг ёрқин мисоли эса корхона ва ташкилотларнинг муддати ўтиб кетган дебиторлик қарзлари йил давомида 76,8 миллиард сўмдан 1,8 миллиард сўмга қисқарганини келтириш мумкин.

Таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг ҳал қилувчи омилига айланиб бормоқда, деди Юртбошимиз. Ўтган йили саноатдаги ўсиш асосан янги ишга туширилган корхоналар эвазига таъминланди.



Йўлбошчимиз кичик ва ўрта бизнесни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш мақсадида дунёнинг энг йирик банкларининг умумий ҳажми 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ кредит маблағлари жалб этилганидан мамнуният билдирди.

1999 йил - Аёллар йилида юртимизда муҳим ижтимоий дастурлар амалга оширилди. Чунончи, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёндаги иштирокини фаоллаштириш учун зарур шароит яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида умумий ўрта таълимнинг давлат стандартлари жорий этилди, 13 та академик лицей ва 90 та касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурига мувофиқ, аҳолига тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш тизими шакллантирилмоқда, ижтимоий инфратузилма янада ривожлантирилмоқда.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари қайд этганидек, 1999 йилда мўлжалланган барча вазифалар тўлиқ амалга оширилди, деб бўлмайди. Саноат маҳсулотларининг кўпгина турлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми камайди, маҳсулот экспорти белгиланган даражага етмади.

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ИККИНЧИ ЙИҒИЛИШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

24. Энергетика ва электрлаштириш вазири лавозимига Шоисматов Эргаш Раҳматуллаевич,

25. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг раиси лавозимига Хўжаев Баҳодир Эргашевич,

26 Давлат божхона қўмитасининг раиси лавозимига Орипов Саидазим,

27. Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитасининг раиси лавозимига Аҳмедов Нурмуҳаммад,

28. Ер ресурслари давлат қўмитасининг раиси лавозимига Қурбонов Эргаш,

29. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг раиси лавозимига Маҳситов Баҳодир,

30. Давлат матбуот қўмитасининг раиси лавозимига Шоғуломов Рустам Шомуродович,

31. Давлат солиқ қўмитасининг раиси лавозимига Хўжаев Ботир Асадуллаевич,

32. Фан ва техника давлат қўмитасининг раиси лавозимига Ҳабибуллаев Пўлат,

33. Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитасининг раиси лавозимига Тешаев Ғофуржон Қодирович номзодлари тавсия этилмоқда.

Уларнинг таржимаи ҳоли ва фаолияти ҳақидаги маълумотнома сизларга тарқатилган.

Мудофаа вазири лавозимига номзод Олий Мажлиснинг кейинги сессиясига киритилади.

Яна бир муҳим масалага эътиборингизни қаратмоқчиман.

Барчамизга маълумки, иқтисодиётимизнинг энг йирик, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалик соҳасининг ривожи ўзига алоҳида эътиборни талаб қилади.

Шунинг учун ҳам бу тармоқни аввало маблағ билан тўлиқ таъминлаш, бу соҳага сармояларни тортиш, унинг молиявий аҳволини яхшилаш, бир сўз билан айтганда, иқтисодий муаммо ва жумбоқларини ечиш ва кўмаклашиш мақсадида бу вазифа ва масъулият шу соҳани бошқарадиган Олимжонов Бахтиёр билан бирга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Ҳамидов Бахтиёр зиммасига юклатилади. Балки шу мақсадда ҳам Ҳамидовга Бош вазирнинг биринчи муовини вазифасини топшириш кўзда тутилмоқда.

Ҳурматли депутатлар!

Азиз дўстлар!

Бугун Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби ва шу лавозимларга кўрсатилаётган номзодларни Олий Мажлис тасдиғига ҳавола қилар эканман, сиз - халқ ноибларида табиий бир савол туғилиши мумкин: «Хўп, ҳукуматнинг янги таркиби биз учун аён бўлди, қайси вазифа нима учун кераклигини ўзимизга тасаввур қила оламиз. Лекин бу номзодлар ўзларининг инсоний хусусиятлари, қурби-қобилияти жиҳатидан мана шу вазифаларга қай даражада муносиб?»

Ҳурматли халқ ноиблари!

Бундай ташвишлар, бундай саволлар туғилишига асос борлигини барчамиз яхши тушунамиз.

Негаки, ҳозирги шароитда, ўта масъулиятли бир даврда, ҳаёт мураккаблашиб, халқаро аҳвол, ички ва ташқи вазият тобора кескинлашиб бораётган бир пайтда аввало раҳбарларга, биринчи навбатда энг юқори вазифаларда ўтирганларга, жумладан, ҳукумат аъзоларига, бир сўз билан айтганда, етакчилик вазифасини ўз зиммасига олган шахсларга замон талаблари кундан-кунга ошиб бораётганини пайқаш, англаш қийин эмас.

Бугунги ўтиш даврида, яъни, олдин умуман кўрмаган, бошимиздан ўтмаган муаммоларни ечишда, ноаниқ, мураккаб, илк бор дуч келаётган масалаларни ҳал қилишда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислоҳотларни қатъият билан амалга оширишда оғир масъулият аввалambор ҳукумат аъзоси бўлган одамлар зиммасига тушади.

Ватанимиз ўз тараққиёти йўлида янги уфқлар ва янги мақсадларга интилаётган бир пайтда, жамиятимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, яъни, ҳаётимизни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш даврида бу жавобгарлик ниҳоятда ортади.

Бугун шу лавозимларга тавсия этилаётган номзодлар бир ҳақиқатни чуқур англаб, ўз онгидан, юрагидан ўтказишлари керакки, одамларимизнинг эртанги ҳаётдан кутаётган орзу-умидларининг рўёбга чиқиши, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги бу раҳбарларнинг ўз вазифасини ҳалол ва малакали бажаришига, қолаверса, фидойилигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Одамлар ҳар қандай раҳбарни биринчи галда унинг фаолияти, ишининг амалий натижасига қараб баҳолайди. Қуруқ савлат ва баландпарвоз гаплар билан эмас, фақат шу ҳисобидан раҳбар обрў топиши, ҳурмат қозониши мумкин.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугун тавсия этилаётган ҳукумат аъзоларига баҳо берар эканмиз, адолат юзасидан шуни таъкидлашимиз керакки, охирги тўрт-беш йил давомида ҳаётимизда қандай натижа ва ютуқларга эришган бўлсак, ўйлайманки, бунда зиммасига юклатилган вазифаларни ўз ўрнида адо этаётган вазирлар, қўмиталарнинг раислари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари ҳиссаси борлигини инкор этиб бўлмайди.

Ишда қандай айрим хатолар, муайян камчиликлар бўлмасин, кўз ўнгимизда амалга оширилаётган улкан ижобий ўзгаришларни тан олмаслик инсофдан бўлмайди.

Бугун мамнуният билан эътироф этишимиз керакки, жамиятимиз ҳаётида, жамоатчилик онгида олдинги бепарволик, лоқайдлик ўрнига, раҳбар шахс қандай мезонларга жавоб бериши зарурлиги ҳақида аниқ ва қатъий фикр шаклланиб бормоқда. Одамларимиз олис қишлоқда ёки катта шаҳарда яшашидан, ишчи ёки зиёли эканидан қатъи назар, ҳозирги вақтда раҳбарларга алоҳида талаб кўзи билан қарамоқда.

Одамлар раҳбар курсисида ўтирганлардан биринчи навбатда:

Аввалambор, унинг ватанпарвар ва юртпарварлик фазилатларига эга бўлиши, она юртини чин қалбидан севиши ва ардоқлаши, эл юрти учун ўзини аямаслиги, керак бўлса, бу йўлда жонини ҳам фидо қилишга тайёр бўлишини,

Ўз касб-корининг устаси, шу ишнинг чинакам билимдони, бу борада бошқаларга ўрнак бўлишини кутади.

Жамоатчилик, халқ раҳбар шахснинг мустақил дунёқараши, кенг фикрлаши, узоқни кўра билиш қобилияти билан бошқалардан ажралиб туришини,

Иймон-эътиқоди мустаҳкам, иродаси бақувват, ор-номусли, ҳаромҳариш ишлардан ҳазар қиладиган, изланувчан, ташаббускор, тадбиркорлик фазилатига эга бўлишини, ташкилотчи, талабчан ва қатъиятли бўлишини истайди.

Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг: «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби бўлган, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан афзалдир», деган ҳикматининг бугун ҳам ниҳоятда долзарб эканини барчамиз сезиб-англаб турибмиз.

Халқимиз ўзини раҳбар деб биладиган одам, аввало, инсонни яхши кўриши, инсонни ардоқлашини хоҳлайди. Одамларнинг ғам-ташвишларини юрагидан ўтказиб, уларнинг дардига дармон бўлмоғини орзу қилади.

Ҳаётнинг кўп асрлик тарихи ва кундалик турмушимизда кўз ўнгимиздан ўтадиган кўп мисоллар, аччиқ сабоқлар асосида айтишимиз мумкин: ҳар қандай раҳбарлик мансабига кўтарилган одамни синайдиган оғир имтиҳонлардан бири шуки - атрофдаги уни ўраб оладиган хушомадгўй, лаганбардор, лаббайчиларнинг сохта мақтовидан ўзини сақлаб, мана шундай имтиҳонлардан одамийлигини, инсоний қиёфасини йўқотмасдан чиқишдир.

Халқимиз одамни синамоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деб бежиз айтмаган,

Агар раҳбар мана шундай талабларнинг ҳаммасига эмас, лоақал бир қисмига жавоб бера олса ҳам, албатта, бағрикенг элимиз бундай одамни ардоқдайди, бошига кўтаради, уни ҳимоя қилишга, унинг учун ҳатто жонини ҳам беришга тайёр бўлади.

Очиқ айтиш керакки, барчамиз ҳам ҳали бу юксак талабларга тўла жавоб бера олмаймиз. Лекин одамларимиз айнан шундай фазилатларни биздан - раҳбарлардан кутишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Афсуски, лавозим, вазифани ҳудди ота-бобосидан қолган меросдек биладиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Ҳаётимизда шундай кимсалар ҳали оз эмаслигини тан олишимиз ва бу каби ҳолатларга қарши курашмоғимиз зарур.

Сизнинг тасдиғингизга тавсия этилаётган номзодларнинг асосий заиф томонлари нимада, деб сўрасангиз, буни ҳам очиқ айтишим мумкин.

Бу камчилик Бош вазир Султоновга ҳам, бошқа ҳукумат аъзоларига ҳам тегишли бўлиб, уларда кўпинча масъулиятни ўз зиммасига олиш, доимо қатъиятли бўлиш хусусияти етишмайди.

Буларнинг ўзи яхши, билимдон, ҳамма нарсани тушунадиган, замон талабларини биладиган, одамлар билан муомаласи ҳам жойида бўлиши мумкин. Охирги йилларда, ўта мураккаб шароитда жамиятимизни янгилаш ва ислоҳотларни ҳаётга татбиқ қилиш йўлида бу инсонларнинг анчагина тажрибага эга бўлганини ҳам тан оламиз.

Лекин, мен шуни алоҳида урғу бериб айтишим керакки, ҳукумат аъзоси бўлган одамнинг, содда қилиб айтганда, отнинг калласидай юраги бўлиши керак. У зарур пайтда масъулиятни ўзига ола билиши шарт. Бугун ҳаёт шуни тақозо қилмоқда.

Қадрли дўстлар!

Биз Олий Мажлис биринчи сессиясининг биринчи мажлисида навбатдаги устувор мақсад ва йўналишларимизни аниқ белгилаб олдик. Ҳаётимизни эркинлаштириш, бошлаган ислоҳотларимизни чуқурлаштириш борасида парламент ва ҳукуматнинг вазифаларини олдимизга аниқ-равшан қилиб қўйдик.

Бугун жойларда бўлаётган муҳокамалар, фикр алмашувлар шуни кўрсатяптики, халқимиз бу соҳадаги йўлимизни қўллаб-қувватлаяпти, унга ишонч билдиряпти.

Ҳаёт тез суръатлар билан давом этмоқда, унинг талаблари кескин ўсмоқда. Замоннинг бундай шиддатига чидаш, давр талаблари олдида заиф бўлмасдан юрти учун, Ватани учун ўзини аямай меҳнат қиладиган фидойи инсонларгина бугун бу ҳаёт тўфонларига, ҳаёт синовларига бардош бера олиши мумкин.

Бу - аниқ. Бунга ҳаммамиз иқрор бўлишимиз керак.

Шу муносабат билан мен яқинда телевидение орқали берилган бир кўрсатувда муҳтарам шоиримиз Эркин Воҳидов айтган бир фикрни эслатишни ўринли деб биламан.

Яъни, у кишининг, ўзимизнинг ўзбекларда дўппини олиб қўйиб бир суҳбатлашайлик, гурунглашайлик, деган гап бор, лекин бугун нафақат гаплашиш, нафақат гурунглашиш, балки ишлаш, ҳаракат қилиш вақти келди, - деган сўзлари, даъвати бугунги замонда жуда долзарб эканини исбот қилиб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Азиз юртдошлар!

Шуни унутмайликки, бу дунёда ҳамма нарса ўткинчидир. Амал ҳам, мол-дунё ҳам, шон-шуҳрат ҳам ўтиб кетади. Фақат халқ, халқнинг хотираси доимо яшайди. Шундай экан, ҳар бир инсон ана шу халқ хотирасида ўзидан яхши ном, эзгу ва савобли ишлар қолдириш ҳақида ўйлаши керак.

Бизнинг заҳматкаш ва олижаноб халқимиз бугун сизу биздан - ўзи ишонч билдирган инсонлардан ана шундай амалий ҳаракатларни кутмоқда.

Шу гўзал Ватанимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаронинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини ечиш, улар учун муносиб турмуш шароити яратиб бериш, юртимизнинг тинчлиги ва тараққиётини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, одамларни ҳаётдан рози қилиш - барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ана шу эзгу мақсад йўлида сиз азизларга сиҳат-саломатлик ва куч-ғайрат тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларига «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонини бериш тўғрисида

Ўзбекистонда эркин демократик давлат барпо этишга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссалари, Ватанимиз шон-шуҳрати ва шарафини юксалтириш йўлида фидокорона хизмат қилаётганликлари ҳамда мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантириш жараёнида фаол иштирок этаётганликлари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ депутатларига «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 феврал

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузаси юзасидан

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг давлат ва жамият қурилишининг бош мақсад ва вазифалари белгилаб берилган маърузасини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан таклиф этилган сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларни янада ривожлантиришга, суд-ҳуқуқ ислоҳотини амалга оширишга, тинчликсевар ташқи сиёсатни ўтказишга, Ўзбекистон ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган йўл давлат ва жамоат ташкилотлари учун фаолият дастури деб ҳисоблансин.

2. Маърузанинг дастурий хулосалари иккинчи чақириқ Олий Мажлис, унинг қўмита ва комиссияларининг фаолиятига асос қилиб олинсин, белгиланаётган чора-тадбирларни рўёбга чиқаришнинг қонунчилик асослари таъминлансин, қабул қилинган қарорларнинг ижроси устидан парламент назорати тўлароқ амалга оширилсин.

3. Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари демократия институтларини қатъият билан ривожлантириб борсинлар, эркин шахсни камол топтиришга ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишга бутун чоралар билан кўмаклашсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 феврал

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақидаги Фармонини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султоновнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит этиши тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақида»ги 2000 йил 11 февралдаги Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 феврал

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

69-Зомин сайлов округидан сайланган депутат Сайёра Шарофовна Рашидова Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) этиб сайлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 11 феврал

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ БИРИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ИККИНЧИ ЙИҒИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қисқа танаффусдан сўнг Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит этиши тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақидаги фармонини тасдиқлашга ўтди.

Бу масала юзасидан давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов нутқ сўзлади. У таклиф этилаётган ҳукуматнинг таркибий тузилишини, унинг шахсий таркибини муфассал баён этди. Мамлакатимиз Президенти ҳукумат фаолиятига баҳо берар экан, ижро этувчи ҳокимият салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш, Вазирлар Маҳкамаси ҳар бир аъзосининг топширилган иш жабҳаси учун масъулиятини ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Депутатларга ҳукумат раҳбарияти ва аъзолари шахсан тақдим этилганидан сўнг Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика Вазирлар Маҳкамаси таркиби ҳақидаги Фармонини тасдиқлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон тузган бир қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларини тасдиқлади.

Биринчи сессия котибияти раҳбари Т.Файзуллаев Олий Мажлис сессиясининг номига депутатлардан, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари раҳбарларидан ва фуқаролардан келиб тушган мурожаатлар тўғрисида депутатларга ахборот берди. Ана шу мурожаатларнинг ҳаммаси кўриб чиқиш учун тегишли органлар ва ташкилотларга юборилади.

Парламент Конституциявий суд ва Олий суд судъялари таркибига ўзгартишлар киритди. Депутатлар Олий Мажлис 2000 йилда кўриб чиқиши керак бўлган қонун лойиҳаларининг рўйхатини асос учун қабул қилди. Ҳужжат бу борадаги ишларни давом эттириш учун парламент қўмиталари ва комиссияларига берилди.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси ўз ишини якунлади.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚЎМИТАЛАРИ ВА КОМИССИЯЛАРИНИНГ РАИСЛАРИ

2000 йил 11 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг иккинчи йиғилишида Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари раислари этиб қуйидаги депутатлар сайланди:

Аҳадов Абдурафиқ
- Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси

Исмоилов Нурдинжон Мўйдинхонович
- Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

Воҳидов Эркин Воҳидович
- Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси

Қаландаров Искандар
- Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси

Кочмарик Изидор Андреевич
- Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси раиси

Умаралиев Муҳаммаджон
- Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик масалалари қўмитаси раиси

Мусурмонова Ойниса
- Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси

Жўраев Нарзулла Қосимович
- Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

Жумабеков Қудайберген Ўрозбоевич
- Атроф муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раиси

Ҳошимов Ўткир
- Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси

Турсунов Аҳтам Саломович
- Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Саидов Акмал Холматович
-Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

Хўжаниёзова Шакаржон Юсуповна
- Регланмент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси раиси

Салимова Шарипа
- Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси

Абдуҳолиқов Фирдавс Фридунович
- Ёшлар ишлари комиссияси раиси

Миролимов Миракмал Мираҳматович
- Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси раиси

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ислом Каримов ишлаб чиқаришнинг етакчи тармоқлари бўйича маҳаллий хомашё билан ишлайдиган, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар тайёрлайдиган соҳаларни маҳаллийлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилгача мўлжалланган дастурини ишлаб чиқиш таклифини билдирди.

Юртбошимиз хусусийлаштириш жараёнига тўхталиб, кўп ҳолларда мулкчилик шаклининг ўзгариши расмиятчилик учун бўлаётгани, иш тўғри ташкил этилмагани, раҳбарларда янгича фикрлаш етишмаслиги оқибатида корхоналар қарзга ботиб қолаётганига эътиборни қаратди. Бундай нохуш ҳолнинг бош сабаби корхоналарни хусусийлаштириш мантиқий ниҳоясига етмаганида, самарали ишлайдиган янги мулкдорлар шаклланмаганида, деди Президент.

Бундай камчиликлар иқтисодиётимизнинг бош тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигига ҳам хос. Ўтган йили 898 та хўжалик ширкатларга айлантирилган бўлса-да, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар ижросини тўлиқ таъминлашга, меҳнатни рағбатлантириш ва моддий манфаатдорликни мустаҳкамлашга эришилмади.

Бу масалалар қаторида давлатимиз раҳбари ўз маърузасида капитал қурилиш тизимини ислоҳ қилиш, банк-ларнинг инвестиция фаолиятини фаоллаштириш, кичик ва ўрта бизнесни янада кенгроқ қўллаб-қувватлаб, ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, эркин тадбиркорликка ғов бўлаётган буйруқбозлик ва сансалорликка барҳам бериш, ўзлаштирилаётган чет эл сармоясини кўпайтириш, бозор инфратузилмаси институтларининг фаолиятини такомиллаштириш борасидаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Тараққиёт йўлидан бормоқчи бўлсак, эртанги кунимиз заминини бугун яратишимиз керак, бунинг учун эса аввало иқтисодиётни эркинлаштириш зарур, деди Президент Ислом Каримов.

Кун тартибидаги масала юзасидан Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Б.Олимжонов, Андижон вилояти ҳокими Қ.Обидов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, Республика Бош прокурори У.Ҳудойқулов мажлисда ахборот берди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Беҳзод УСМОН (ЎзА)

2000 йил — Соғлом авлод йили

Баҳодир аканинг оғзи қулоғида, умрида ашула айтмаган одамнинг ҳиргойиси ҳовлини тутди.

— Вой, дадаси, сизга нима бўлди? Олтин топиб олгандек хурсандсиз...

— Э, онаси, олтин ҳам гапми, тағин ўтган йилгидек «Чинобод»га борадиган бўлдик, — дея иккита йўлланмани рафиқаси Маҳкамой опанинг кафтига қўйди. — Йўл тараддудини кўравер, насиб бўлса, индинга Тошкентга жўнаймиз.

Шундай қилиб, Касби туманининг Майманоқ қишлоғида яшовчи нафақахўр Баҳодир Халилов ва жамоаширкат хўжалигининг ишчиси Маҳкамой Қўзиевалар соғлиқларини мустаҳкамлаб олиш мақсадида ўзлари ихлос қўйган сиҳатгоҳда бўлишди.

Ушбу шифобахш маскан ҳамиша даволанувчилар билан гавжум. «Йилнинг тўрт фасли ҳам бу ерда баҳор» деб таърифлаган эди ҳамкасбларимиздан бири. Бу бежиз эмас. Қишин-ёзин кўркам дарахтлар, атрофга хушбўй ҳид таратиб турган гулзорлар, тоза ва озода хиёбонлар ҳар бир кишининг кайфиятини кўтаради.

— Сиҳатгоҳимизнинг фаолият кўрсата бошлаганига ҳам қарийб 50 йил бўлаяпти, — дейди бош ҳаким Насим Зуфаров. — Эҳ-ҳе, қанчадан қанча одамлар дам олиб, соғликларини тиклаб кетишмади, дейсиз. Ҳозир сиҳатгоҳимизда бир йўла 450 нафар киши даволаниб, дам олиш имкониятига эга.

Шифо масканини айланамиз. Дарвозадан кирар экансиз асфальт йўлка тўғри тиб илмининг асосчиси Абу Али ибн Сино ҳайкали пойига олиб боради. Замонавий бинолар, даволаш хоналари, ошхона, ёзги ва қишки клуб, кутубхона, спорт зали, дам олувчилар ихтиёрида. Бу ерда малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар муҳайё этилган.

Ер қаъридан, яъни 1554 метр чуқурликдан бурғу қудуғи орқали олинаётган маъданли сув таркибида кам ишқорли сульфат, натрий ва бошқа элементлар мавжуд

Шунинг учун ҳам бу хосиятли сувдан турли хасталикларни даволашда кенг фойдаланилаяпти. Сиҳатгоҳда асосан ошқозон яраси, ўн икки бармоқли ичак, қабзият, сурункали сариқ касаллиги, гастрит каби касалликлар даволанади. Шунингдек, қандли диабет хасталигига чалинган беморларни даволаш ҳам йўлга қўйилган.

— Бир неча йилдан буён гинекология, «Она ва бола» бўлимлари ҳам фаолият кўрсатиб келаяпти, — дейди бош ҳаким ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Назира Шайхова.

Шифо масканида даволаш усуллари асосан физиотерапевтик муолажалар асосида олиб борилади. Бу ерга ташриф буюрган беморлар биринчи навбатда малакали, олий тоифали врачлар кўригидан ўтишади. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқ ташхис қўйилади. Хасталик аниқлангандан сўнггина даволаш муолажалари бошлаб юборилади.

Шифобахш маъданли сув, айланма душ, озекерит, балчиқ, компьютер лазер аппаратлари, бальнеологик бўлимлар, рентген, уқалаш, жисмоний тарбия зали, аэросолярий, клиник лабораториялар, парафин, ингаляторийлар беморларни даволашда қўл келмоқда.

Шифо маскани жамоасининг мақсади дам олувчиларга намунали хизмат кўрсатиш, улар қалбига йўл топиш, ҳамиша хушмуомалада бўлишга қаратилган.

Таклиф ва мулоҳазалар дафтарини кўздан кечирганимизда Дилором Зуфарова, Галина Григорьевская, Фарида Жаҳонгирова, Холида Очилова, Дилбар Муҳиддинова, Насим Раззоқов, Дилшода Абдуқодирова, Абдували Носиров, Нодира Аҳмедова, Шоира Жўраева, Моҳира Султонова каби тажрибали шифокорлар ҳамда пархез ҳамширалари Гулчеҳра Жўраева, Муҳтарам Қосимовалар нинг ўз касбига фидойиликлари, ширинсуханликлари алоҳида қайд этилганининг гувоҳи бўлдик.

— Йигирма йилдан ошди, ҳар йили меҳнат таътилини «Чинобод»да ўтказиб келаяпман, — дейди Халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов. — Бир неча ой олдин ҳам рафиқам билан бирга дам олдим. Бу ердан илҳом, ижодий қувват ҳам оламан.

— Йигирма йилдан буён ошқозон касаллиги азоб бериб келарди. Оғир операциядан кейин, шифокорлар маслаҳатига кўра «Чинобод»га келдим. Бу сиҳатгоҳ менга жуда ёқди. Хасталикдан халос бўлдим. Шифокорлардан бир умр миннатдорман, — дейди Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси Асрор Қиличев. Тошкент вилоятидан келган Мавлуда Темирбекова, қашқадарёлик Мамадулла Рашидов, Баҳриддин Маҳаматов, Мурод Рустамов, Тўймурод Султонов, хоразмлик Гулмат Матназаров, навоийлик Салим Назаровлар ҳам сиҳатгоҳ табиати, шифокорларнинг беминнат хизмати ҳақида илиқ фикрлар айтишди.

«Аёллар йили»да гинекология бўлими янги тиббий асбоблар билан тўла жиҳозланди. Йил давомида 2700 нафардан ортиқ хотин-қизлар ўз соғлиқларини мустаҳкамлашди.

— Даволашда халқ табобати усулларидан ҳам фойдаланилаяпти. Айниқса дориворт ўсимликлардан тайёрланаётган ўн турдан ортиқ шифобахш чойлар киши руҳиятини кўтариб, дам олувчи, хоҳ шифокор бўлсин, ким билан суҳбатлашмайлик уларнинг юзларида қувонч кўрдик.,

Истиқлол йилларида «Чинобод» сиҳатгоҳининг нуфузи, обрў-эътибори янада ошди. Бугунги кунда нафақат, республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан, балки қўшни мамлакатлардан ҳам одамлар сўлим гўшага ташриф буюришаяпти.

Абдулла АЙИЗОВ,
«Ишонч» мухбири.

«ЧИНОБОД»ДА БЎЛГАНМИСИЗ?

ШИРИН СЎЗ ҲАМ ШИФО

Бизнинг бахтимиз шундаки, йилнинг барча фаслларида иқлимидан, табиий шароитидан роҳатланиб яшайдиган жаннатмонанд юртда туғилиб ўсганмиз. Фарғонанинг «Чимён» сиҳатгоҳида бўлганимда бунга яна бир бор амин бўлдим. Сиҳатгоҳ вилоятнинг энг гўзал ерида жойлашган. Атрофи шовуллаган дарахтлар билан ўралган, бу шифо масканида барча дардларингиздан фориғ бўлиш учун ҳамма шароитлар бор. Бу ернинг маъданли сувидан ичган одам ҳар йили келгиси келаверар экан.

Қирқ йилдан ортиқ муаллимлик қилганман. Шунча йиллик меҳнат давомида асабларим ниҳоятда чарчаган эди. «Чимён»да бир йил дам олиб кетгач, ҳар йили шу ерни қўмсайдиган бўлдим. Бу йил учинчи бор ана шу сўлим масканда даволандим. Сиҳатгоҳ бош шифокоридан тортиб, оддий ходимларигача мақташга арзигулик одамлар экан. Уларнинг фидойиликлари, зиммаларидаги масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишлашлари туфайли соғлиғим анча мустаҳкамланди.

Бунинг учун сиҳатгоҳ ходимларига катта раҳмат.

Тўрапошша ҲУСАНОВА,
Оққўрғон тумани.

ИНСОН ОМИЛИГА ЭЪТИБОР

Ўғлим Ғайратжон «Онажон, бир маза қилиб дам олиб келадиган бўлдингиз, Феруза опам Сизга Бухоронинг «Мохи Хосса» санаторийсига йўлланма бериб юбордилар» деб хурсанд бўлиб келганида тўғриси дастлаб оёғим тортмаган эди. Узоқ жой бўлса, қийналиб қолмасмиканман деб.

Келдиму, шароитни, сиҳатгоҳ ходимларининг ўз ишига фидойиликларини кўриб, келганимга афсусланмадим. Аксинча, айнан шу сиҳатгоҳга йўлланма олганлиги учун болаларимдан мамнун бўлдим. Даволовчи шифокорлар нафақат муолажалари, балки ширин сўзлари билан ҳам дардингизга малҳам бўлишади. Даволаш хоналарини айтмайсизми, у ерда етарлича муолажа олиш учун ҳамма шароитлар бор.

Сиҳатгоҳда даволаниб, бир йилга етарли куч тўплагандек бўлдим ўзимда.

Мен газетангиз орқали нафақат «Мохи Хосса» сиҳатгоҳи ходимларига, балки ўз фуқароларининг саломатлиги учун жон куйдирувчи ҳукуматимиз раҳбарларига ҳам миннатдорчилик билдираман. Аллоҳга шукур, дам олиб даволаниш бир томонда турсин, ҳатто бир бурда нонини тинчлик билан ейишни катта бахт деб билувчилар ҳам кўп атрофимизда. Ҳукуматимиз, Президентимизнинг доно сиёсати туфайли бизда инсон омилига эътибор баланд.

Зеби МУХАТОВА,
Қуйи Чирчиқ тумани.

Миннатдорчилик

Элликқалъа туманида аҳоли саломатлигини кафолатли муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар соғлиғини тиклаш борасида ибратли ишлар амалга оширилди.

«Оқчакўл» сиҳатгоҳи мовий Оқчакўл соҳилига жойлашган бўлиб, пурвиқор Қоратоғ чўққилари кўзга ташланиб туради. Шунинг учун ҳам бу ерга ташриф буюрганлар ҳазиллашиб: Сизларнинг армонингиз йўқ, бир томонингизда Қоратоғ, бир ёнда эса Қора денгиздек Оқчакўл ястаниб ётибди, - дейишида жон бор. «Оқчакўл» аввалари асосан «Элликқалъа олтин толаси» ҳиссадорлик жамияти аъзоларига хизмат кўрсатиб, имконияти ойига 25 кишини қабул қилишга етарди. Кейинги пайтда сиҳатгоҳнинг хизмат кўрсатиш доираси кенгайиб, бу ерга Қорақалпоғистон ва Хоразм вилоятининг туманларидан ҳам одамлар кела бошлади. Уларга умумий терапия: асаб, ошқозон-ичак, гинекология, ҳаракат аъзолари, нафас йўллари сингари 17 хил касалликларни даволашда барча қулайликлар яратилган. Яқинда Фитотерапия хизмати ҳам йўлга қўйилди. Энг муҳими, ҳар бир даволанувчи мазкур маскан жамоа аъзоларининг меҳру муҳаббати, илиқ муносабати билан қуршаб олинган. Айниқса, катта ҳамшира Яқутжон Қурбонова, тиббиёт ходимларидан Алибек Каримбердиев, Қаршиға Шабанбоева, ошпаз Ойгул Иброҳимовалар нинг чеҳрасидан доимо хуш табассум аримайди.

Оқчакўл соҳилидан бошланган сиҳатгоҳнинг умумий майдони 12 гектар. Шундан 8 гектарига экин экилади. Жумладан, 5 гектарини боғ ташкил этади. Қуюқ дарахтзорлар билан қопланган 15 та кемпинг ҳамда асосий корпусда дам олиб, даволанувчилар учун зарур имкониятлар яратилгани сабаб қиш фасли бўлишига қарамасдан, январ ойида 25 нафар ўрнига 32 киши дам олди. Феврал ойида бу ерга келувчилар сони янада кўпайди.

«ОҚЧАКЎЛ»

Гапнинг сирасини айтганда, «Оқчакўл»да ишни мақташга арзигулик даражада ташкил этилишида бош ҳаким Рейимбой Машариповнинг ҳам ҳиссаси катта. Илгари туман марказлашган касалхонасининг бўлим мудири бўлиб ишлаган олий тоифадаги шифокор Рейимбойга ўтган йили дабдурустдан ҳозирги лавозимда ишлашни таклиф қилганларида, рости довдираб қолди. Чунки, у бу ердаги ҳақиқий вазиятни чуқур билмаса ҳам, лекин баъзи паст-баланд гапларни эшитиб юрар эди. Ҳамкасблари, яқинлари билан маслаҳатлашди, уларнинг далдаси боис таклифга розилик берди. Кунларни тунларга улаб астойдил ишлади. Шу орада сиҳатгоҳ бўйсунадиган «Элликқалъа олтин толаси» ҳиссадорлик жамияти бошқарувига ҳам янги раҳбар ишбилармон, тадбиркор Рустам Раҳмонов ишга келди. Янги директор дастлабки кунданоқ санаторийда ишларнинг ўнгланиб кетиши учун неки қўлидан келган кўмаги бўлса, аямади. Айниқса, катта тажрибага эга касабақўм раиси Болтабой Матсапоев кўпгина муам-

КАВКАЗДАН

моларнинг вақтида ҳал этилиб, ишларнинг юришиб кетишига бажонидил бош-қош бўлди. Энг биринчи дадил қадам ташланиб, сиҳатгоҳ барча қарзларидан батамом қутулиб олди. Озиқ-овқат таъминоти тубдан яхшиланди.

ҚОЛИШМАЙДИ

Экинларни, боғ-роғларни об-тобида суғориш учун янги насос келтириб ўрнатилди. Натижада мўл ҳосил тўпланиб, олма, сабзавот маҳсулотларини четдан келтиришга ҳожат қолмади.

Қисқа фурсатда бир ярим километрли газ линияси тортилиб, иситиш тармоқлари янгиланди.

Хуллас, биз сўз юритаётган шифо масканида ҳавас қилса арзигулик юмушлар адо этилдики, бу ҳақда, яхшиси даволанаётганларнинг ўзларидан эшитсак.

— Тўғрисини айтганда, мен бу ерда бу даражада яхши тиббий хизмат йўлга қўйилганлигини тасаввур ҳам этмаган эдим, - дейди Нукус шаҳридан келган Комила Жумашева. - Ярим ойда анча вақтдан бери мени қийнаб келаётган бел, оёқ оғриқларидан қутулиб, жуда яхши ҳис қилаяпман ўзимни.

Хонқа туманидан келиб даволанган Чинни Қариева ҳам шифо масканининг барча ходимларидан миннатдор.

— Барча-барчасининг қўли дард кўрмасин. Соғлиғимни тиклаб олдим. Худо хоҳласа, келаси йили яна келаман, - дейди у.

Бундай илиқ қалб сўзларини Тўрткўл шаҳридан келиб даволанаётган Ғафур Худойшукуров, «Бўстон» фермер хўжаликлари уюшмасидан меҳнат фахрийси Жамила Бекчанова, Ғ.Одилов номидаги фермер хўжаликлар уюшмаси хотин-қизлар қўмитаси раисаси Бибижон Машариповалардан ҳам эшитиш мумкин. Шуни айтишади-да: — Қилинган ҳалол меҳнат асло зое кетмайди! - деб.

— Ўтган давр ичида даволаш-профилактика ишларини бир мунча яхшилаганимиз билан ҳали фойдаланилмаган имкониятларимиз ҳам кўп, - дейди бош ҳаким Р.Машарипов. - Омадимизми, ишқилиб, шифо маскани жуда қулай, ҳатто Кавказдагилар ҳам ҳавас қилса арзийдиган ерга жойлашган. Айниқса, ер остидан, яъни 930 метр чуқурликдан маъданли сув отилиб чиққанини айтмайсизми?! Унинг таркиби Тошкентдаги Семашко номидаги илмий-текшириш институтида таҳлил қилинганда Чортоқдаги маъданли сув билан баравар шифобахшлик хусусиятига эга эканлиги маълум бўлди. Бизда ётоқхона, даволаш корпуси масаласи ҳам ҳал бўлган. «Ором» миллий чойхонасида бир фурсат ҳордиқ чиқазган кишининг баҳри-дили очилади. Яна бир даволаш корпуси қурилиши тугалланиш арафасида. Кунига 100 кишига тиббий хизмат кўрсатадиган бинода ҳозир «Оролсувқурилиши» бирлашмасининг 22-қурилиш бошқармаси махсус бригадалари охирги пардозлаш ишларини олиб бормоқда. Тағин ўнлаб даволаш ванналари беморларни қабул қила бошлайди. Шуларни ҳисобга олиб санаторий-профилакторийда ўринлар сонини ҳозирги 25 тадан 50 тага кўпайтирамиз. Сув сероб. Ҳосилдор ерлар етарли, тажрибакор деҳқонлар ишлаяпти. Демак, озиқ-овқат таъминоти ҳам ўзимиздан бўлади. Шунингдек, табиий шароитнинг қулайлиги қорамолчилик, балиқчилик ва паррандачиликни ҳам йўлга қўйиш имконини беради.

Бир сўз билан айтганда, бизга яхши ниятлар, саломатлигини мустаҳкамлашдек умидлар билан келган ҳар бир киши асло афсусланмаслигига ишончим комил.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

OLAMDA

ЛОНДОН. Лондон суди Белгия давлати ва олтита инсонпарварлик ташкилотининг Аугусто Пиночетни қайтадан тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақидаги талабини кўриб чиқиш учун қарор қабул қилди. Бу Чили диктаторининг Буюк Британияда бўлиш муддати яна номаълум вақтга чўзилади, деганидир.

* * *

ВАШИНГТОН. Халқаро валюта жамғармаси /ХВЖ/ Россияга қарз беришни вақтинчалик тўхтатди. Чунки, бу мамлакат туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширмади. Шундай бўлса-да, ХВЖ билан Россия ўртасидаги алоқалар давом этаверади, деди жамғарманинг фармойиш берувчи директори Мишель Камдессю журналистлар билан учрашувда.

* * *

ОТТАВА. Канада НАТОнинг ядровий доктринасини «эскирган ва XXI аср нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилиши лозим», деб ҳисоблайди. Канада ташқи ишлар вазири Ллойд Эксуорси АҚШ президентининг ядро қуролларини тарқатмаслик масаласи бўйича махсус вакили Норман Вульфнинг «Канада НАТО ядровий доктринасини ўзгартиришни талаб қилиб, хато қиляпти, чунки унинг кўпгина фойдали жиҳатларини кўрмаяпти», деган сўзларига шундай жавоб берди.

* * *

НЬЮ - ЙОРК. АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт Чеченистоннинг Россия федерацияси таркибидаги мақомини сиёсий музокаралар орқали аниқлаб олиш лозимлиги ҳақида гапирди. У Си-Эн-Эн телекомпаниясига интервью бериб, ушбу нуқтаи назарни Россия президенти вазифасини бажарувчи Владимир Путинга айтганини маълум қилди. Бироқ, АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Москванинг Чеченистон масаласида айнан ким билан музокара олиб бориши мумкинлиги ҳақида аниқ бир нарса демаган.

* * *

АҚШнинг «Аляска эйрлайнз» авиакомпаниясига қарашли йўловчи самолёт ҳалокатга учрашига бир баҳя қолди. Сан-Франциско халқаро аэропорти хизматчилари эндигина ҳавога кўтарилган МД-80 самолёти двигателидан учқун чиқаётганини кўриб қолган ва самолёт экипажига хабар қилган. Натижада 83 йўловчи ва 5 нафар экипаж аъзоси бўлган самолёт орқага қайтиб, эсон-омон ерга қўнди.

(ЎзА).

ЛОНДОН: ҚАРОҚЧИЛАР ТАСЛИМ БЎЛДИ

Афғонистоннинг «Ариана» авиакомпаниясига қарашли «Боинг-727» самолётининг гаровга олиниши билан боғлиқ воқеалар ундаги йўловчиларнинг тинч йўл билан озод қилиниши ва террорчиларнинг Лондон полициясига таслим бўлиши билан якун топди.

Ҳозирча эса самолёт қандай мақсад билан ўғирланганини ноаниқлигича турибди.

Афғонистоннинг «Боинг-727» самолёти билан боғлиқ бу можаро ўтган ҳафта охирида бошланган эди. Қобулдан Мозори Шарифга парвоз қилаётган самолёт қўққисдан Ўзбекистон осмонида пайдо бўлган ва Тошкент аэропортига рухсатсиз келиб қўнган эди. Бу ерда террорчиларнинг самолётга ёқилғи қуйиш талаби бажарилгач, улар гаровга олинганларнинг бир гуруҳини озод этиб, Қозоғистоннинг Актюбинск аэропортида бир муддат «меҳмон» бўлди. Шундан сўнг самолёт Москванинг «Шереметьево» аэропортига йўл олди. Бу ерда ҳам уларнинг баъзи талаблари адо этилгач, «Боинг» Лондонга парвоз қилди. Душанба куни соат тунги иккиларда самолёт Лондон яқинидаги Стэнстед аэропортига келиб қўнди. Ҳаво қароқчилари билан музокараларнинг асосий қисми шу ерда кечди.

Самолёт ўғирлангани тўғрисида хабар тарқалгач, террорчилар толиблар қамоқхонасида сақланаётган Ҳирот шаҳрининг собиқ ҳокими Исмоилхонни озод қилиш талабини қўяётгани маълум бўлди. Бироқ ҳаво қароқчилари билан музокаралар ўтказган Буюк Британиянинг вакиллари бу талабнинг тўғрилигини рад этди.

Даставвал, террорчилар сони аниқ бўлмаса-да, кейинчалик улар олти нафардан иборат ва қуролланган бўлишига қарамай, тажрибасизроқ экани маълум бўлди. Бу эса гаровдагиларни махсус жанговар операция ўтказиш йўли билан озод қилиш режасидан воз кечилишига сабаб бўлди.

Буюк Британия ҳукумати самолётни озод қилиш учун доимгидек музокара олиб боришга таянди. Бу йўл ўзини оқлади. Музокараларнинг биринчи куниданоқ, террорчилар гаровдагиларнинг бир қисмини озод қилди. Ўшанда гаровдагилардан беш нафари қўйиб юборилди. Кейинчалик уч киши, сўнгра яна бир киши озод этилди. Бироқ музокаралар давомида танглик ҳам юз берди. Масалан, чоршанбага ўтар кечаси самолёт экипажининг тўрт аъзоси террорчилар қўлидан қочишга муваффақ бўлди. Бу эса ҳаво қароқчиларининг ваҳимага тушишига сабаб бўлди. Чунки, энди самолётни Буюк Британиядан олиб кетиш имконияти йўқолган эди.

Ўз навбатида, қочиб чиққан учувчилар шу заҳотиёқ Буюк Британия ҳукуматидан сиёсий бошпана сўраган. Шунингдек, улар террорчилар ҳамда гаровдагиларнинг кўпчилиги сиёсий бошпана сўраш истагида эканини маълум қилди.

Хуллас, учувчиларнинг қочиши ҳаво қароқчиларининг режасини остин-устун қилиб юборди. Пайшанбага ўтар кечаси гаровда ушлаб турилганларнинг 85 нафари қўйиб юборилди. Орадан уч соатлар ўтганидан кейин қолган 65 нафар йўловчи ҳам озодликка чиқди. Шундай қилиб, беш кун давомида халқаро ҳамжамият эътиборини ўзига қаратиб турган можаро якун топди. Қароқчиликнинг, террорчиликнинг ва умуман қонунбузарликнинг охири вой эканлиги яна бир бор исботланди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

NIMA GAP

Шоир бисотидан

МУНОЖОТ

Аллоҳ, сендан бўлак ҳеч банда парвар бўлмаган,
Меҳрибон олийжаноб, покиза Акбар бўлмаган.

Неча Намрўд ул куни номингни даъво айлабон,
Ҳеч кимам охир келиб, Намрўдча музтар бўлмаган.

Тангрини тошдан ясаб, қанча ибодат қилдилар,
Ҳеч маҳал маъбуда тош, оламга сарвар бўлмаган.

Мустафони Жаброил қучганда, ўқи-ўқи деб
Бўлди Қуръон дилга жо, унда савод гар бўлмаган.

Бандадан Нуҳ арз этиб, сендан сўрабдур ул тўфон,
Умматидан Муҳаммадни арзи аксар бўлмаган.

Фирқалар тарғиб қилиб, олам худосиз, дедилар,
Охири барбод ўлиб, тузуми раҳбар бўлмаган.

Деҳқонийни ҳар маҳал, зор этмагил сен ўзгага,
Сенга ҳеч олам аро қудрат баробар бўлмаган.

Тўхтамурод ДЕХҚОНИЙ.

Қилмиш - қидирмиш

ҚЎЛБОЛА ЁҒ ТАЙЁРЛАЁТГАНДА ҚЎЛГА ТУШДИ

Ўзбекнинг хонадонида ёғ бўлмаса ўчоққа ўт қаланмайди. Қозонга масаллиқ солинмайди. Демак, ёғнинг ҳамиша бозори чаққон. Бу ҳақда кўп ўйлаб, ҳисоб-китобни пишитган Нарпай тумани Оқтош шаҳри Имом Бухорий кўчаси 143-уйда яшовчи Низом Шарипов мўмай даромадга эга бўлиш учун қўлбола ёғ ишлаб чиқаришни бошлаб юборди. Юмуш ҳадисини олиб, ёғ ишлаб чиқаришни авж олдирган пайтида солиқ инспекцияси ходимлари ишнинг белига тепишди. У ҳеч қандай ҳужжатларсиз, маҳсулот таркибини текширтирмасдан ёғ сотаётганда қўлга тушди.

— Текшириш чоғида маълум бўлдики, Оқтош шаҳри Тинчлик кўчасида яшовчи Абдуҳалим Хўжанов ҳам яширинча ўрнатилган жувоз ускунаси ва 300 килограмм чигитни ёғ ишлаб чиқаришга тайёрлаб қўйган экан, — деди Нарпай тумани солиқ инспекцияси бошлиғи Мамадиёр Нуримов. — «Мирбозор» бозорида сифат сертификатисиз, қўлбола усулда тайёрланган 38 килограмм ёғ, «Навоийдон» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилган тўққиз қоп ун, 48 дона хўжалик совуни қонунга хилоф равишда сотилаётганлиги аниқланди. Ушбу фактлар юзасидан далолатномалар тузилиб, рўйхатга олинган далилий ашёлар мусодара қилинди.

«Нахрипай» ҳиссадорлик жамиятидаги олғирлар эса кўтара савдони афзал биладиган хилидан эканлар, — деди Мамадиёр Нуримов. Улар ун, унинг маҳсулотларини савдо дўконларига тарқатмасдан, омборнинг ўзида пинҳона сотиб юборганлар. 244 минг 37 сўм камомадга йўл қўйган мазкур жамиятнинг омборхона мудири О.Жўраева устидан жиноят иши қўзғатилди

Шундай одамлар бор бўлсин!

НАЖОТКОР

Шуҳрат Тожибоевнинг касби ҳуқуқшунос. Унинг бошқа ҳамкасбларидан фарқи шундаки, у Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши меҳнаткашларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш бўлимида ишлайди. Хизмат хонасининг эшиги ҳамма учун очиқ. Бу ерга ҳуқуқий мадад сўраб ташриф буюрганларга ўзининг малакали ва беминнат, пулсиз, аммо қимматли маслаҳатларини аямайди.

... Зомин туманидаги Даштобод шаҳар У.Камолова номли 39-мактаб ўқитувчиси Эргаш Қаландаровдан Ш.Тожибоев номига шикоят хати келди. Унда таъкидланишича, аризачини мактаб раҳбари Б.Ниёзова ноқонуний ишдан бўшатган. Шу боис уни ўз вазифасига қайта тикланишда ёрдам беришни сўрайди.

У ҳақиқий аҳволни жойида ўрганиб чиққач, аризачи ҳақлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Маълум бўлишича, оддий ўқитувчини мактаб раҳбари 1998 йил 23 апрелда ишдан бўшатиш тўғрисидаги аризани асос қилиб, ўзининг 1998 йил 10 августдаги 25-сонли буйруғи билан ишдан бўшатади. Ваҳоланки, амалдаги Меҳнат Кодексининг 99-моддаси 4-қисмига кўра, ходим ишдан бўшаш ҳақида ариза бериб огоҳлантирилгач, 2 ҳафталик муддат ичида ишдан бўшаш ҳақида буйруқ чиқарилмаган бўлса, ходим ишлашни давом эттираётган тақдирда аввалги аризаси ўз кучини йўқотади. Ҳуқуқшунос аралашувидан сўнг ҳақиқат қарор топиб, аризачи шу мактаб раҳбарининг 1999 йил 24 апрелдаги 14-сонли буйруғи билан ўз вазифасига қайта тикланди.

Жиззах шаҳар травматология шифохонаси ходимаси Фароғат Худойназарова зарурат туфайли вилоят «Тез ёрдам» марказига ишга ўтказилиши керак эди. Бироқ, мазкур шифохона маъмурияти раҳбарининг буйруғи ўз вақтида расмийлаштирилмаганлиги сабабли Ф.Худойназарова 8 ой мажбурий бекор юрди. Вилоят касаба уюшмалари кенгаши меҳнаткашларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш бўлими аралашувидан сўнг Ф.Худойназарова ишга қўйилиб, унга мажбурий бекор юрган кунлари учун 11485 сўм ундириб берилди.

Ҳуқуқшунос Ш.Тожибоев раҳбарлик қилаётган бўлим ўз фаолиятини кун сайин такомиллаштириб бормоқда. Шунинг учун ҳам вилоятдаги меҳнат жамоаларида ходимларнинг ҳуқуқий билими ва онгини оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Меҳнат қонунчилиги бўйича ўтказилаётган текширишлар ўз самарасини бераяпти. Ўтган йили 470 та ташкилотда меҳнат қонунчилиги юзасидан текширишлар ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Жиззах аккумулятор заводи, 1- қурилиш материаллари комбинати, пайпоқ тўқув фабрикаси, Жиззах таксисаройи сингари жамоаларда ишчи-ходимларнинг мажбурий таътилга чиқарилиши, болалар нафақасини ўз вақтида бермаслик ҳоллари учраб турибди. Ҳуқуқий бўлим саъй-ҳаракати билан аризачиларга 765 минг сўмлик иш ҳақи, 36 минг сўмлик болалар нафақалари ундириб берилди.

— Мен ушбу бўлимга тез-тез келиб тураман, — дейди Жиззах туман газлаштириш идорасининг кадрлар бўйича назоратчиси Насима Тожибоева, — Шуҳрат ака ўзининг ҳуқуқий маслаҳатини аямайди. Бугун ҳам у кишидан қисқаришга тушадиган ходимларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақидаги тегишли маълумотларни олдим.

Жиззах шаҳрида истиқомат қилувчи Ирина Бектагирова, шаҳарнинг Тошлоқ маҳалласидан келган Турсуной ая Юсуповалар ҳам Шуҳрат аканинг ҳуқуқий маслаҳатидан кўнгиллари тўлиб чиқиб кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

Шуҳрат Тожибоевнинг вилоят касаба уюшмалари кенгашида бош меҳнат ҳуқуқ нозири вазифасида иш бошлаганига 14 йил бўлди. Ўтган даврда у юзлаб оддий меҳнат кишисининг ҳақ-ҳуқуқини тиклашда, қонун устуворлигини таъминлашда бевосита иштирок этди. Шунинг учун ҳам уни кўпчилик танийди ва ҳурмат билан, «Ўзимизнинг Шуҳрат ака», дея эъзозлашса, турмуш ўртоғи Қурбоной опа ҳамда 6 нафар фарзандлари «севимли адажонимиз», деб бошларига кўтаришади. Биз ҳам шундай одамлар бор бўлсин, деймиз.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Шоҳмот

НАФИСАНИНГ АҲДИ ҚАТЪИЙ

«Ўзбекистон - истеъдодлар Ватани. Оллоҳнинг назари тушган юртки, бу сахий замин дунёга не-не комил инсонларни бермади, дейсиз. Шукрким, бугун ҳуррият қуёшининг ҳаётбахш нурлари ила чароғон бу юрт. Энди унинг фарзандлари ўзларининг бемисл истеъдоди ила бутун дунёни ҳайрат кўчасига олиб киради.»

Қўқонлик ёш шоҳмотчи Нафиса Мўминова билан суҳбатлашганимда ҳаёлимдан шу каби шукроналик сўзлар кечди. Қалбим тўрини, беихтиёр, ифтихор туйғулари ишғол этди. Ҳақиқатдан ҳам Нафиса истеъдодли қиз. У гарчи эндигина 10 ёшга қадам қўйган бўлса ҳам бир неча турнирлар совриндори. Ўтган йили бўлиб ўтган қизлар ўртасидаги республика мусобақаси ғолиби, 10 ёшгача бўлган ёш шоҳмотчи қизлар ўртасидаги халқаро турнирнинг (1999 йил) учинчи ўрин соҳибаси. Албатта, унинг бу муваффақиятларга эришишида устози, таниқли мураббий Анвар Алиевнинг хизматлари катта.

— Унинг шоҳмот клуби машғулотларига қатнаётганига эндигина бир йил бўлди, — дейди Анвар ака. — Бироқ шу қисқа вақт мобайнида Нафиса анчагина ютуқларга эришиб, 1-разряд талабини бажара олди. Шунинг учун ҳам устоз сифатида, ҳам мутахассис сифатида юксак ишонч билан айта оламанки, Нафисанинг келажаги порлоқ. У келгусида жаҳон майдонларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилади.

Ҳа, озод Ўзбекистонимизнинг истеъдод ғунчаси бўлган, аста-секин ўз ифори билан барчани хушнуд этаётган ёш шоҳмотчи Нафисанинг келажаги нурли. Зотан, унинг қуйидаги дил сўзлари, оппоқ ниятлари ҳам шундан далолат беради:

— Ниятим Ўзбекистон чемпиони бўлиш, юртимиз байроғини чет элларда баланд кўтариш. Бир сўз билан айтганда эса, ҳар доим яхши, чиройли шоҳмот ўйнаш.

Нима ҳам дердик. Ёлғиз ниятимиз Нафисага яхши ниятлари эш бўлиб, келгусида Ўзбекистон аталмиш она Ватаннинг довруғини дунёга таратиш насиб этаверсин!

К.ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири.

Унутилиб кетилаётган миллий қадриятларимиз республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг янада ривож топди. Миллий ҳунармандчиликнинг йўлга қўйилиши аҳолини иш билан таъминлабгина қолмай, ёшларни касб танлашга ҳам яқиндан кўмак бераётир.

Китоб туманидаги «Ёшлик» жамоа корхонасининг кулолчилик устахонаси ишчилари маҳсулот ишлаб чиқаришда пешқадамликни қўлга киритмоқдалар. Ишлаб чиқарилган бежирим гулдон, лаганлар халққа манзур бўлаётир.

Суратда: кулолчилик цехи бошлиғи Асқаржон Ғуломов ишчи Гулбаҳор Сатторова билан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўздан кечиришмоқда.

Шавкат СУЛТОНОВ олган сурат.

Шифокор маслаҳати

БРОНХИАЛ АСТМА ХАСТАЛИГИДАН САҚЛАНИНГ

«Астма» — сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, бўғилиш, ҳансираш деган маънони англатади. Бронхиал астма (зиқнафас, диққинафас, нафас қисма, кўксов) ўпкага ҳаво ташувчи йўлларнинг (бронхларнинг) аллергик шамоллаш хасталиги бўлиб, майда бронхларнинг торайиши, шиллиқ пардасининг кўпчиши ва ичига шилимшиқ суюқлик тиқилиши натижасида вақт-бевақт нафас қисиши, бўғилиш хуружлари билан ўтади. Ҳозирги пайтда ер шари аҳолисининг 3-8 фоизи бу дардга чалинган бўлиб, америкалик олимларнинг фикрича, 40 ёшгача бўлганларнинг тахминан 90 фоизида астма аллергия сабабли пайдо бўлган. Ўсимлик чанглари, ҳайвонлар қазғоғи, чанг-зарралари, моғор ва бошқалар астмани келтириб чиқарувчи асосий аллергенлар ҳисобланади.

Олимларнинг таъкидлашича, Марказий Осиё республикаларида,жумладан, Ўзбекистонда ҳам астма касаллигига чалинганлар кўпайганлиги кузатилаяпти. Бунга турли хил аллергенлар, ўткир ҳидлар, ташқи муҳитнинг ифлосланиши, транспорт ва саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндилар, оғир жисмоний зўриқиш ва бошқа омиллар сабаб бўлмоқда. Бронхиал астма аллергик хасталиклар орасида ўзининг оғир ўтиши, ўпка, юрак ва лабда нохуш асоратлар қолдириши билан хавфли ҳисобланади. Унинг пайдо бўлишида асосий сабаблардан бири ирсий ва ташқи муҳит омилларининг ўзаро алоқадорлигидир. Мабодо, қон-қариндош бўлган эр ёки хотинда аллергик касаллик ёки бронхиал астма бўлса, улардан туғиладиган болаларда ҳам албатта шу дард бўлади. Қаттиқ ҳаяжонланиш, кўрқиш, ҳаддан ташқари қувониш, ваҳима қилиш ёки жароҳатланиш ҳам астманинг кучайишига олиб келади. Невроз (асабийлик) билан оғриган одамларда астма кўпроқ учраши кузатилган.

Бундай хасталик билан турли ёшдаги кишилар касалланиши мумкин. У юқумли эмас. Астманинг инфекцион ва ноинфекцион аллергик (атопик) турлари мавжуд. Инфекцион аллергик астмада бактериялар, вируслар ва бошқа микроблар муҳим рол ўйнаб, у кўпинча нафас органлари (бронхит, бронхоэктазлар, зотилжам) ёки бурун ёндош бўшлиқларининг хроник касалликларида (гайморит, фронтит) ва неврозда ривожланади.

Йилнинг муайян мавсумида (март-июл) — ўсимликлар гуллайдиган пайтда унинг хуружи тутади. Бундан ташқари, уй-рўзғор чанглари, баъзи бир овқат маҳсулотлари (сут, тухум, асал, шоколад, гўшт, қўзиқорин, қулупнай, апельсин), айрим дори-дармонлар, кимёвий моддалар ҳам астмага сабаб бўлиши мумкин. Хуружлар пайдо бўлишида асаб ва эндокрин тизими муҳим рол ўйнаб, гамбурун шиллиқ қаватларида намлик ортади, акса уриш, бош оғриғи, уйқу босиш, ҳадеб эснаш, лохаслик, тери қичиши ва бошқа белгилар кузатилади. Хуруж бир неча дақиқа, баъзан эса бир неча кун давом этиши мумкин. Бемор ҳаво етишмаётганидан қийналади, аҳволи оғирлашиб, ранги оқаради, юзи шишинқираб, кўкиш тус олади, тер босади, бесарамжонлик ва қўрқув сезилади. Аввал қуруқ йўтал билан бошланган хуруж ёпишқоқ балғам чиқа бошлагандан сўнггина секин тўхтайди. Нафас олиш нормаллаша боради. Шифокорларнинг таъкидлашича, бундай хуружлардан сўнг ўпкада бирор ўзгариш вужудга келмаса-да, касаллик улғайиб, ўпка эмфиземаси, юрак ишининг бузилиши рўй бериши мумкин.

Астма билан оғриган беморларни самарали даволаш учун аввало касалликнинг келиб чиқиш сабаблари аниқланади ва шунга қараб даволаш усуллари қўлланилади. Уни даволаш анча қийин бўлиб, бемор ўзида бу касаллик аломатлари пайдо бўлиши биланоқ, дарҳол шифокорга учрашиб, пухта даволаниши шарт. Шундагина у шифо топиши мумкин.

Тамаки чекаётган, печ ёки камин ёқаётган хонадонлардан узоқроқда бўлинг, чунки уларнинг тутуни астма хуружини келтириб чиқаради. Қаттиқ совуқдан сақланинг. Совуқ ҳаво астмани қўзғаши мумкин. Илиқ, қуруқ ҳаво бу хасталикка ёрдам беришини унутманг. Сузиш беморлар учун энг фойдали машқдир.

Қандай озиқ-овқатлар касалликни кучайтиришини билиб олинг ва уларни истеъмол қилманг. Масалан, сут, тухум, ёнғоқ, асал, шоколад ва бошқалар. Иложи борича кам туз истеъмол қилинг. Пиво ва қуритилган меваларни (ўрик, олма, майиз) кабиларни тановул қилишни чегараланг, чунки уларда астма келтириб чиқарувчи моддалар мавжуд.

Бу дардга йўлиққан ҳар бир бемор поликлиника ёки корхона қошидаги диспансер ҳисобида турмоғи шарт. Уларга ноқулай об-ҳаво шароитларида ишлаш, газ ва чанг билан ифлосланган ҳавода юриш, хуружни қўзғовчи омиллар билан боғлиқ касблар (ҳайдовчи, қўшиқчи, созанда, учувчи, алоқачи каби касблар) конвейер, станок ёки бошқарув пультлари ёнида ишлаш ман этилади. Уларга барча турдаги ақлий меҳнат, қулай об-ҳаво ва микроиқлим шароитларида бажариш мумкин бўлган енгил жисмоний меҳнат тавсия этилади.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

ЭЪТИҚОД

Ўзбекистон Президенти Фармони билан Тошкент Ислом университетининг ташкил этилиши нур устига аъло нур бўлди. Ушбу янги олий ўқув юрти иш бошлаганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ.

Ҳозир университетда Ислом тарихи ва фалсафаси ҳамда Ислом фиқҳи (шариат) ва табиий фанлар факультетлари фаолият олиб бормоқда. Айни вақтда диншунослик, исломшунослик, Ислом ҳуқуқшунослиги мутахассислигидан талабаларга чуқур билим берилмоқда. Олий ўқув юрти ўқув дастури бўйича халқаро иқтисодий алоқалар, информатика бўйича машғулотлар ҳам уюштирилмоқда.

Бакалавр даражасини олиш мақсадида таҳсил кўраётган талабалар Ислом динига оид бой маънавий-маданий меросни ўзлаштириш имконига эга бўладилар.

Ҳозир олий ўқув юрти ҳузурида академик лицей очиш йўлида тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Янги турдаги бу ўқув даргоҳига 50 нафар иқтидорли ўқувчилар жалб этилади.

Жаҳон динлари кафедрасини ташкил этиш ҳам кўзда тутилди. У халқаро ЮНЕСКО ташкилоти ҳомийлигида ўз фаолиятини бошлайди.

«МЕРОС» СОВҒАСИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намоёндаси шоира Нодирабегим ўзидан бой ижодий мерос қолдирган. Унинг лирик ғазаллари бугунги кунда шеърият муҳлислари томонидан севиб ўқилиб, ёд бўлиб кетган.

Ана шу улкан сўз санъаткори ҳаёти ва ижодий фаолиятини тарғиб этиш йўлида «Олтин мерос» республика хайрия жамғармаси ҳам хайрли ишларга қўл урди. Жамғарма ҳузурида ташкил этилган «Мерос» киностудияси томонидан суратга олинадиган бадиий фильм ҳам Нодирабегим ҳақида ҳикоя қилади.

Шоира тўғрисидаги тарихий маълумотлар асосида яратиладиган бу экран асари у ҳақда суратга олинган биринчи бадиий фильм сифатида ҳам эътиборга сазовордир.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

14-20 февралгача

ҚЎЙ (21.03—21.04) Кейинги кунларда яхши ният қилиб юрганларнинг муроди ҳосил бўлиши эҳтимоли кучли. Айниқса хизмат юзасидан бир поғона кўтарилишни ният қилиб юрганларнинг бу ҳафта омади чопиши керак. Аммо ғанимларингиз ҳам ғафлатда қолмайди ва сизнинг шодлигингизга раҳна солишга уриниб кўрадилар.

БУЗОҚ (22.04—20.05) Дунё икир-чикирларидан бу ҳафта ўзингизни четроққа олганингиз маъқул. Оломон тўпланган жойга яқинлашмаганингиз маъқул. Умуман, ишларингизнинг маромини ўзгармайди.

ЭГИЗАКЛАР (21.05—21.06) Молиявий ҳисоб-китоблар, олди-берди масаласида ҳафта бирмунча мураккаб келиши кутилмоқда. Шу боис бу кунларда олган қарзингизни қайтариш, берган қарзингизни қайтариб олиш ҳақида ўйлаб ўтиришингизнинг ҳам ҳожати йўқ. Айтганимни қиласиз, десангиз, ютқазасиз.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06—22.07). Сешанба куни бир бор янги ишга қўл урсангиз, охири хайрли бўлиши мумкин. Оилада муносабати бузилганлар шу ҳафта аҳволини ўнглаб олиш хусусида ўйлаб кўрсалар, айни фурсати. Бироқ айрим дўстларингиз билан орани очиқ қилишга тўғри келиши ва шу аснода муносабатларингиз бир оз совуши эҳтимоли йўқ эмас.

АРСЛОН (23.07—23.08) Кўлдан буён ечимини тополмай келаётган муаммоларингиз бўлса, уларни бир ёқли қилишга ҳафтанинг бошидаёқ киришишингиз лозимлигини маслаҳат берамиз. Акс ҳолда улар бутунлай чигаллашиб кетиши ва бу келажакда бошингизга катта ғалва келтириши эҳтимоли бор.

ПАРИЗОД (24.08—22.09) Катта «юк» елкангиздан ағдарилиши керак. Аммо бу катта алғов-далғовлар оғушида амалга ошиши кутилмоқда. Бундай серғалва кунлар, одатда, саломатлиги заиф кишилар бошига қўшимча ташвиш келтиради. Шуни унутмаган ҳолда, ҳар қандай шароитда ҳам соғлиғингиз ҳақида ўйлашни унутманг.

ТАРОЗИ (23.09—22.10) Ҳафта бошидан толиқдим, дея хотиржам бўлсангиз, катта имкониятни қўлдан бой беришингиз мумкин. Ҳаракат қилганлар узоқ муддат муттасил даромад келтириши мумкин бўлган жиддий ишни бошлаб юборишлари ва унинг удда-сидан чиқишлари мумкин.

ЧАЁН (23.10—22.11) Маъмурий идоралар билан муносабатингиз бузилиши кутилмоқда. Айниқса, даромад қилишнинг ноқонуний йўлларидан фойдаланишда эҳтиёт бўлишингиз лозим. Акс ҳолда, йил давомида йиққанингизни бир кунда совуришингиз ва шу билан ҳам ташвишдан қутулмаслигингиз эҳтимоли кучли.

ЎҚОТАР (23.11—21.12) Парокандалик, хаёлпаришонлик ва ҳадикка ўхшаш кайфият ҳафтанинг биринчи ярмида сизни тарк этмаслиги эҳтимоли бор. Бунинг биридан-бир давоси кўпчилик орасида бўлиш, нохуш фикрларни хаёлдан қувиш ва фақат кўнгилхушлик ҳақида ўйлашдир.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—19.01) Сизда қасди борлар бу ҳафта ўч олиш пайида бўлишлари, сиз ҳақингизда турли миш-мишлар тарқатишлари, қўлларидан ҳеч иш келмаса, ҳатто тухматга ўтишлари эҳтимоли йўқ эмас. Бунга фақат ҳар бир қадамингизни билиб босиш, иродани мустаҳкамлаш билан жавоб қайтаришингиз мумкин.

ҚОВҒА (20.01—19.02) Шериклар олдидаги ваъдангизнинг уддасидан чиқолмас-лигингиз ва шу боис улар билан муносабатингизда салбий ўзгариш юз бериши эҳтимоли бор. Можароли масалаларни ҳал қилишга уринмаганингиз маъқул. Унинг ҳам ижобий ҳал бўлишига ишонч йўқ ҳисоби.

БАЛИҚ (19.02—20.03) Узоқ муддат қилган астойдил меҳнатингиз шу ҳафта бирмунча ижобий натижа бериши керак. Сешанбадан кейин ҳафта нисбатан осойишта ўтиши кутилмоқда. Фақат оиладаги икир-чикирларни ҳисобга олмаганда, ҳафтангиз бир маромда ўтиши ва кайфиятингиз кўтаринки бўлиши керак.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий адади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти - 01.00

Буюртма Г— 114. 1 2 3 4 5 6